

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

1-модул: Меҳмондўстлик соҳасига кириш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96341 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2019 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
1-модул: Мехмондўстлик соҳасига кириш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	11
Дарс режаси	31

Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари.
- Ушбу ресурс буклетдаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.
- Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:
 - малакангизнинг тузилмаси
 - ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
 - тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
 - бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Меҳмондўстлик соҳасига кириш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Мустақил давлат сифатида Ўзбекистон саёҳат ва туризм соҳаси келтирадиган афзалликларни тушуниб етган, шунинг учун мазкур соҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Саёҳат ва туризм бозорининг ўсиб бориши билан бирга меҳмондўстлик соҳаси ҳам ривожланишиб бормоқда. Саёҳатнинг мақсадидан қатъий назар, барча туристлар дастлабки хизматларга эҳтиёж сезадилар, шунинг учун туризм соҳаси ушбу хизматларни тақдим этувчи меҳмондўстлик соҳаси билан боғлиқ. Содда қилиб айтганда, мазкур икки соҳа ёнма-ён юради ва ўзининг ривожланишида бир-бирига боғлиқ бўлади.

Ушбу модулнинг мақсади – ўқувчиларингизни саёҳат ва туризм соҳаси билан таништириш. Улар меҳмондўстлик соҳасини ҳамда унинг саёҳат ва туризмда эгаллайдиган ўрнини тадқиқ қилишади.

Ўқитишнинг дастлабки мақсади саёҳат ва туризм соҳасини аниқлаб олишга қаратилган. Ўқувчилар мазкур соҳанинг иқтисодий унвон аҳамияти ҳамда миллий ва маҳаллий даражаларида келтирадиган фойдасини ўрганиб чиқишади. Ўқувчилар одамларнинг саёҳат қилиш сабабларини ўрганишади ва турли хил туристларнинг эҳтиёжлари тўғрисида гаплашишади.

Ўқитишнинг иккинчи мақсади меҳмондўстлик соҳаси билан таништиради. Бу ерда асосий эътибор меҳмондўстлик соҳасидаги турли хил ташкилотларга, уларнинг маҳсулот ва хизматларига, шунингдек қандай уларга эга бўлишга ва уларни ташкил қилишга қаратилади.

Ўқитишнинг учинчи мақсади меҳмондўстлик соҳасида карьера имкониятларини ўрганиш ва ўқитишга йўналтирилган.

Сиз ушбу модулда барча жиҳатлар учун қуйида келтирилган каби бир қатор ўрганиш усулларидадан фойдаланишингиз мумкин:

- муҳокама, масалан, синфда ва кичик гуруҳларда муҳокама.
- индивидуал ва гуруҳли тақдимотлар.
- вазифалар, масалан, жуфтликлар ва кичик гуруҳларда.

Гуруҳдаги иш ўрганишнинг мақбул шакли ҳисобланади, аммо сиз ҳар бир ўқувчи уни баҳолаш учун етарли миқдорда материални мустақил тайёрлашига ишонч ҳосил қилишингиз шарт.

Ўқувчи қуйидагилардан фойдаланиши шарт:

- таклиф этилган спикерлардан
- стажировкалардан
- меҳмондўстлик соҳасида иш берувчи ва ташкилотларга ташриф буюриши
- Интернетдан
- модулнинг мазмунидан
- мустақил топшириқга ва иш дафтаридадан.

Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

Модул 1: Меҳмондўстликка кириш

Кириш

Мазкур модулда меҳмондўстлик соҳасининг саёҳат ва туризмнинг кенгроқ соҳасидаги аҳамияти тўғрисида сўз боради. Ушбу модулда ўқувчилар саёҳат ва туризм соҳасининг давлат ривожланишига қўшган ҳиссаси ва меҳмонларни кутиб олиш учун шароитларни ўрганадилар. Ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасидаги турли корхоналар, уларнинг товар ва хизматлари, шунингдек улардаги ўзлари учун ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида билиб оладилар.

А ўқитиш мақсади: Ўзбекистонда туризм тармоғини тадқиқ қилиш

- Синфда сиз саёҳат ва туризм соҳаси нима эканини муҳокама қилишдан бошлашингиз мумкин. Бу сизга соҳанинг таркибий қисмини аниқлаб олиш ва таърифлаб беришга ёрдам беради. Ўқувчиларингиздан туризм соҳасининг Ўзбекистон учун қанчалик муҳим эканини сўраш орқали давом эттиринг.
- Тақдимот сизга ўқувчиларингизнинг жавобларини умумлаштириш ва туризм соҳасининг иқтисодий аҳамиятини аниқлашда фойдаланиладиган таянч атамаларни жорий этиш имконини беради. Соҳанинг қамровини ва у келтирадиган даромадни ифодалаб бериш учун давлат ва бошқа манбаларнинг маълумотларидан фойдаланинг.
- Ўқувчиларингиз саёҳат ва туризм соҳасини маҳаллий даражада тадқиқ қилишлари учун яқка тартибдаги ёки жуфтликлардаги топшириқлардан фойдаланинг. Бу саёҳат ва туризм соҳасининг маҳаллий даражадаги иқтисодий аҳамиятини тасаввур этиш учун асос яратади.
- Тақдимот ўқувчиларингизнинг хулосаларини тасдиқлайди. Сиз маҳаллий диққатга сазовор бўлган ва қизиқарли жойлар, меҳмонхоналар, пансионатлар, ресторанлар, маҳаллий туроператор ва гидларни, шунингдек туризм билан боғлиқ транспортни ажратиб кўрсатишингиз мумкин. Буларнинг барчаси ўқувчиларни соҳанинг кўлами ва имкониятларини англаб етишларига ёрдам беради. Сиз маҳаллий инфратузилма лойиҳалари тўғрисидаги батафсил маълумотни ҳамда саёҳат ва туризм соҳаси билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган маҳаллий даражада тадбиркорлик соҳасидаги мисолларни тақдим этишингиз мумкин.

Модул 1: Меҳмондўстликка кириш

- Тақдимотдан фойдаланиб ички, кириш ва чиқиш туризмларини таърифлаб беринг. Ўзбекистондаги ҳар бир бозорнинг кўламини тасвирлаш учун туризм соҳасидаги давлат ва бошқа манбаларнинг маълумотларидан фойдаланинг. Туризмнинг барча турлари давлатга фойда келтиришини таъкидланг. Аслида, чиқиш туризми кириш туризми сингари катта фойда келтирмасада, чиқиб кетаётган туристларнинг ўз мамлакатларида суғурта, самолёт учун чипталар ва йўл кийимларини сотиб олишларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Туризмнинг мазкур соҳаларидан олинадиган даромадлар билан бир қаторда умуман олганда дунёни ўрганиш ва мамлакатлар ўртасидаги ижобий муносабатларнинг ривожланиши каби номоддий фойдалар ҳам мавжуд эканини тушунтиринг.

А ўқитиш мақсади: Ўзбекистонда туризм тармоғини тадқиқ қилиш

- Тақдимотдан фойдаланиб дам олиш мақсадидаги саёҳатни таърифланг. Туризмнинг мазкур тури ҳам ички, ҳам кириш туризмининг ўз ичига олишини таъкидлаб ўтинг. Дам олиш мақсадидаги саёҳатнинг ҳар хил турларини аниқлаш ва ҳар бир турга мисоллар тақдим этиш учун ушбу топшириқ устида жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда ишлаш лозим. Ўқувчиларга синфда қайта алоқа тақдим этиш ва олишларига имкон беринг.
- Биргаликдаги бошқа фаолият ёки кичик гуруҳлардаги иш ўқувчиларга дам олишнинг ҳар хил турларини таклиф этадиган ташкилотни тадқиқ қилишларига ёрдам беради. Тадқиқот ўтказишларида ёрдам бериш учун сиз ўқувчиларга республика ва маҳаллий даражадаги туроператорларнинг номларини тақдим этишингиз мумкин. Синфдаги муҳокама ўқувчиларнинг нима учун одамлар дам олишнинг у ёки бу турини танлашларини ва бундан туристларга ҳамда иқтисодиётга қандай фойда бўлишини тушунишларига ёрдам беради.
- Ишбилармонлик сафарлари тушунчасига аниқлик киритиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ишбилармонлик туризми ички ва кириш туризмининг қамраб олишини таъкидланг. Синфда баҳс-мунозара ўтказинг ва ишбилармонлик сафарларининг сабабларини муҳокама қилинг. Ўқувчиларнинг учрашувлар, анжуманлар, кўрғазмалар ва тренинглар ишбилармонлик сафарларининг катта қисмини ўз ичига олишини тушунишларига ишонч ҳосил қилинг. Ишбилармонлик сафарларининг кичик ҳамда катта кўламда: мижозлар билан учрашувлар мақсадида саёҳат қиладиган алоҳида шахслардан тортиб, анжуманга ташриф буюрувчи катта гуруҳларгача амалга оширилишини муҳокама қилинг. Жойни ўрганиш ва у ерда саёҳатнинг бу каби тури учун шароит бор ёки йўқлигини аниқлаш учун ўқувчилар билан жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда машқ ўтказинг. Ўқувчиларга синфда қайта алоқа тақдим этиш ва олишларига имкон беринг.

Модул 1: Меҳмондўстликка кириш

- Ўзига хос қизиқишлардан иборат туризмнинг ҳар хил турларини ўрганиш учун тақризларни тўплаш орқали Синф мунозараси ўтказинг. Ихтисослашган сафарларнинг ҳар хил турларини тақдим этиш орқали туроператорлар қандай ўзига хос манфаатларга эга эканларини муҳокама қилинг. Тадқиқот ўтказишларида ёрдам бериш учун сиз ўқувчиларга республика ва маҳаллий даражадаги туроператорларнинг номларини тақдим этишингиз мумкин. Туризмнинг ушбу тури учун имкониятларни аниқлаш мақсадида ўқувчилар жойни ўрганишлари учун мазкур топшириқни жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда ишлаш орқали бажаринг.
- «Бир кунлик сафарлар» нима эканига аниқлик киритиш учун синфдаги муҳокамалардан фойдаланинг. Иложи бўлса ўқувчиларга «бир кунлик сафарлар»нинг иқтисодий аҳамияти тўғрисида маълумотларни тақдим этинг. Сиз бир кунлик сафарлар ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини ички туризм билан боғлашингиз мумкин, чунки ички туристлар фаолиятнинг ушбу тури учун энг катта бозорни таъминлайдилар. Ўқувчилар ўзлари қатнашган ҳар қандай бир кунлик сафарларни, уларнинг нима учун мўлжалланганлигини ва улар билан боғлиқ харажатларни муҳокама қилишлари мумкин. Ушбу машқ ўқувчиларнинг бир кунлик сафарлар саёҳат ва туризм соҳасининг бир қисми эканини тушунишларига ёрдам беради.
- Саёҳат ва туризм соҳасининг ҳар хил турларини тасвирлаб бериш учун тақдимотдан фойдаланинг. Шундан сўнг синф ҳар қандай турдаги мижознинг эҳтиёжларини аниқлаши ва муҳокама қилиши мумкин. Кейин мижозларда бўлиши мумкин бўлган эҳтиёжларнинг сабабларини ва уларни қондиришнинг муҳимлигини аниқлаш учун Синфда мунозараси ўтказинг. Якка тартибда ёки жуфтликларда иш олиб бориш орқали ҳозирги пайтда саёҳат ва туризм соҳасида мижозларнинг муайян эҳтиёжлари қанчалик яхши қондирилаётганини муҳокама қилинг. Туризм йўналишини танланг ва мазкур вазиятда мижозларнинг эҳтиёжлари қанчалик яхши қондирилаётганини баҳоланг.

Модул 1: Меҳмондўстликка кириш

В ўқитиш мақсади: Меҳмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш

- Ўқувчилар бизнеснинг қандай иш юритаётганини, масалан, турли бўлимлар, озиқ-овқат ва ичимликлар, ошхона, фронт-офис, меҳмонхонада яшаш, дам олиш учун хона, анжуманлар ва банкетларни кўришлари учун катта меҳмонхонага ташрифни ташкил этинг. Мазкур ташриф ўқувчиларга турли товар ва хизматлар билан танишиш, шунингдек йирик меҳмонхонанинг ва унда фаолият юритаётган персоналнинг қандай ишлашини тушуниш ва унда карьерага эришиш вариантларини билиш имкониятини беради. Ўқитувчиларга маълумот тўплаш ёки варақлар тўплашга доир машқларни ўтказиш ёхуд меҳмонхонани кўздан кечириш чоғида ўқувчилар томонидан бажарилиши мумкин бўлган «маълумот излашга доир квест»га ўхшаш машқни ташкил этиш тавсия этилади.
- Меҳмонхонада жойлаштириш хизматлари таъминотчилари учун ҳам, озиқ-овқат таъминотчилари учун ҳам ўргимчак тўрисимон диаграмма ёки шунга ўхшаш схемадан фойдаланинг ва ўқувчилардан меҳмондўстлик соҳасини ташкил этадиган таъминотчилар «турларини» аниқлашларини сўранг. Кейин ўқувчилар гуруҳ учун мисоллар келтиришлари мумкин. Жойлаштириш хизматлари таъминотчилари ҳамда озиқ-овқат таъминотчиларининг ҳар хил «турлари» аниқланган ва ўқувчиларга тушунтирилган бўлиши лозим, буни бажариш учун эса тақдимотдан фойдаланиш ўринли бўлади.
- Ўқувчилар таниш бўлган ва унчалик таниш бўлмаган бизнес турларини муҳокама қилинг. Ушбу корхоналарнинг қандай фаолият юритишини муҳокама қилишдан бошланг. Кейин бизнеснинг ҳар бир турига таклиф этиладиган товар ва хизматларнинг турларини аниқланг. Ўқувчиларнинг жавобларини йиғиш учун мўлжалланган ишчи варақ фойдали бўлган бўлар эди. Мазкур машқ ҳам ўқувчиларга ҳар хил турдаги таъминотчилар товар ва хизматларининг фарқланишини кўришларига имкон беради.
- Экскурсия учун кўргазма марказига ёки катта анжуманлар залига ташрифни ва турли тадбирларни ўтказадиган, унга керак бўладиган товар ва хизматлар, масалан, меҳмонхонада жойлаштириш хизматлари, озиқ-овқат ва ичимликлар кабиларни таклиф этадиган ташкилот тўғрисида суҳбатлашиш учун ташрифни ташкил этинг.
- Тақдимотдан фойдаланиб меҳмонхонанинг турли амалиёт бўлимлари тўғрисида гаплашинг. Ўқувчилар ҳар бир меҳмонхонанинг асосий вазифа ва мажбуриятлари, уларнинг турли товар ва хизматлари ҳамда уларнинг ходимларини аниқлаб олишга тайёр бўлишлари лозим. Булар тўғрисида, меҳмонхонадаги турли кўмаклашувчи бўлимлар тўғрисида тақдимотда сўзлаб беринг.

Модул 1: Меҳмондўстликка кириш

- Таклиф этилган спикердан ҳар бир кўмаклашувчи бўлимларга берилган таърифларни тасдиқлашни ва уларнинг аҳамиятини ҳамда меҳмонхонадаги амалий бўлимлар қандай қилиб биргаликда иш юритишларини тушунтириб беришни сўранг. Меҳмонхона менежеридан «меҳмонхона менежерининг ҳаётидан бир кун»ни таърифлаб беришини сўранг.
- Саёҳат ва туризм соҳасидаги турли корхоналарга таъсир этадиган омилларни ўрганиш учун Синф мунозараси ўтказинг. Ўқувчиларга тегишли газеталар, журналлар ва сайтдаги мақолаларни тақдим этинг.

С ўқитиш мақсади: Меҳмондўстлик соҳасида ишгажойлаштиришва ўқитиш имкониятларини тадқиқотқилиш

- Ўқувчиларнинг меҳмондўстлик соҳасидаги турли лавозимга оид мажбуриятларни, ривожланиш йўналишларини ва ўқиш имкониятларини қандай билиб олишларини тушунтириш учун тақдимотдан фойдаланинг.
- Ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасининг ҳар хил тармоқларидаги турли лавозимга оид вазифаларни ўрганадилар; улар ривожланиш йўналишларини ва фойдаланиш мумкин бўлган ўқитиш турларини ўрганадилар. Бунинг энг яхши усули кичик гуруҳларда ишлаш ва натижаларнинг тақдими ҳисобланади.
- Лавозимга оид вазифаларни, кўникмаларни, имкониятларни, ўқитиш ва ривожланишни муҳокама қилиш учун спикерни таклиф этинг.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларга бўлган ҳаволалар

- 2-модул: Меҳмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш
- 3-модул: Меҳмондўстлик соҳасида тарғиб қилиш

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / колледжнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	Модул 1: Меҳмондўстликка кириш
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарсларнинг давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	2-модул: Меҳмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш 3-модул: Меҳмондўстлик соҳасида тарғиб қилиш

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	А1 – Туризм соҳасининг аҳамияти ва фойдали томонлари. Туризм соҳасининг миллий даражадаги иқтисодий аҳамияти.		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулга кириш, ниманинг ўқитилиши ва баҳолаш усуллари тўғрисида гапириб бериш. • Мавзу билан танишиш: ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистонда саёҳат ва туризм соҳасини ва мазкур соҳанинг нима учун маҳаллий ва миллий даражада муҳим экани тўғрисида гапириб беради. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: бир-бир билан танишиш ва суҳбатнинг бошланиши касалланиши машқ. 	<ul style="list-style-type: none"> • Танишиш учун машқлар. • тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Муҳокама: Саёҳат ва туризм индустрияси нима? Синф саёҳат ва туризм ҳақида нима ўйлашини ва унинг мамлакат учун қанчалик муҳим эканини муҳокама қилади. Синфда қайта алоқани ташкил этиш. • Ўқитувчи тақдимот: таянч атамаларни аниқлаш (ТС), синф мунозараси қисқача санаб ўтиш. Саёҳат ва туризм индустриясининг таърифини тушунтириш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: туризмга доир фактлар ва рақамлар (МР), ўқувчилар асосий жиҳатларни аниқлашлари ва синф билан қайта алоқа мақсадида «ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИР 2018 ЎЗБЕКИСТОН» ҳисоботини тадқиқ қилишлари учун машқлар варағини ишлаб чиқинг. • Ўқитувчи тақдимот: Ўзбекистон – саёҳат ва туризм га доир фактлар ва рақамлар (МР), иқтисодий таъсир тўғрисидаги ҳисоботга асосан Жуфликда бажариладиган машқлар нинг қисқа тақдими. 	<ul style="list-style-type: none"> • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
2	<p>A1 – Туризм соҳасининг аҳамияти ва фойдали томонлари.</p> <p>Туризм соҳасининг миллий даражадаги иқтисодий аҳамияти.</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистонда саёҳат ва туризм соҳасини ва мазкур соҳанинг нима учун маҳаллий даражада муҳим экани тўғрисида гапириб беради. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар саёҳат ва туризм нинг маҳаллий индустриясини тадқиқ қиладилар. Улар ўз хулосаларини синфга тақдим этишлари лозим. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимот: саёҳат ва туризмнинг маҳаллий индустриясининг устунликлари (ТС), ўқувчиларнинг умумий хулосалари. Саёҳат ва туризмнинг маҳаллий иқтисодиётга қандай фойда келтиришининг мисолларига асосланган тақдимот слайдлари. 	<ul style="list-style-type: none"> • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
3	<p>A2 Туризм турлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ички. • кириш. • чиқиш. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулга кириш, бунда ўқитувчи ўқувчилар саёҳат ва туризмнинг ҳар хил турларини билиб олишлари тўғрисида сўзлаб беради. • Ўқитувчининг таништирувчи тақдими: ўқувчиларни туризмнинг ҳар хил турлари билан таништириш (ТС). • Мустақил иш: ички, кириш ва чиқиш туризмга оид мисоллардан иборат машқлар рўйхатини тузиш (МР). Ўқувчилар мисолни туризмнинг тўғри келувчи тури билан солиштиришлари, кейин эса туризмнинг ҳар бир тури учун ўзларининг шахсий мисолларини келтиришлари лозим. • Саволлар – жавоблар сессияси: хулоса қилиш ва ўрганилганларни текшириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	<p>A3 Саёҳат турлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Дам олиш учун саёҳат: <ul style="list-style-type: none"> ○ қисқа дам олиш. ○ байрамлар. ○ ўзига хос воқеалар. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: мавзуга кириш ва ўқувчиларнинг саёҳат ва туризм нинг ҳар хил турларини билиб олишлари тўғрисида ўқитувчининг тушунтириши. Мазкур дарс дам олиш учун саёҳатларга бағишланади. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги муҳокама: ўқувчиларни дам олиш ва саёҳатларнинг ҳар хил турларининг концепцияси билан таништириш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар дам олиш мақсадидаги саёҳатнинг ҳар хил турларини аниқлайдилар ва уларнинг ҳар бирига мисол келтирадилар. Гуруҳга қайта алоқа тақдим этинг. • Кичик гуруҳларда машқлар: ҳар бир гуруҳ дам олишнинг ҳар хил турларини тақдим этадиган ташкилотни ўрганишлари лозим. Нима учун одамлар дам олишнинг ушбу турини танлашлари ва унинг мижозлар ҳамда иқтисодиёт учун қандай афзалликлари борлиги ҳақида ўқувчилар фикрини билиш учун синфга мурожаат қилинг. 	
4	<p>A3 Саёҳат турлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ишбилармонлик сафарлари. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: мавзуга кириш ва ўқувчиларнинг саёҳат ва туризм нинг ҳар хил турларини билиб олишлари тўғрисида ўқитувчининг тушунтириши. Мазкур дарс ишбилармонлик сафарларига бағишланади. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи раҳбарлигидаги муҳокама: ўқувчиларни ишбилармонлик сафарларнинг ҳар хил турлари концепцияси билан таништиринг. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ишбилармонлик туризми ички ва кириш туризмине ўз ичига олиши тўғрисида билишларига ишонч ҳосил қилиши лозим. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот: ишбилармонлик туризмине аниқлаш (ТС). • Синф мунозараси: ишбилармонлик сафарларининг сабабларине ўқитувчи билан муҳокама қилиш. • Ўқитувчи тақдимот: ишбилармонлик сафарларининг кичик ва йирик кўламларда бўлиб ўтиши мумкинлигини муҳокама қилиш: масалан, мижозлар билан учрашиш мақсадида саёҳат қилаётган алоҳида шахслардан тортиб, анжуманга ташриф буюрувчи катта гуруҳларга қадар. • Кичик гуруҳларда машқлар: сафарнинг мазкур тури учун мавжуд шароитларни аниқлаш ва мавжуд имкониятларни жамлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ маҳаллий туманни тадқиқ қила олишлари учун таянч сарлавҳалардан иборат машқлар жадвалини ишлаб чиқинг (MP). 	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	<p>A3 Саёҳат турлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • ихтисолашган/ўзига хос қизиқишлар. • бир кунлик сафарлар. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: охириги дарсни хулосаланг ва ушбу дарсда муҳокама қилинадиган саёҳат турларини – ихтисослашган туризм/ўзига хос қизиқишларга доир туризмни тақдим этинг. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот: ихтисослашган туризм/ўзига хос қизиқишларга доир туризмни аниқлаш(ТС). • Ўзига хос қизиқиш / саёҳатлар: одатда хобби, спорт каби саёҳатлар ва қизиқишлар ёки мижознинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган саёҳатлар. • Синф мунозараси: синф «ихтисослашган сафарлар» нима экани тўғрисидаги ўз фикрларини муҳокама қилади. Ўқитувчи қайта алоқани тақдим этади. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот: ҳозирги кунда Ўзбекистон амалга оширилаётган ихтисослашган сафарларнинг ҳар хил турларини муҳокама қилиш (ТС). • Кичик гуруҳларда машқлар: ихтисослашган сафарлар учун мавжуд шароитларни аниқлаш ва мавжуд имкониятларни жамлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ маҳаллий туман/ҳудудни тадқиқ қила олишлари учун таянч сарлавҳалардан иборат машқлар жадвалини ишлаб чиқинг (MP). 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (MP). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: хулоса қилиш ва ихтисослашган туризм/ўзига хос қизиқишларга доир туризмга доир ўрганилганларни текшириш. • Кириш: бир кунлик сафарлар концепциясини тақдим этиш. • Синф мунозараси: бир кунлик сафарлар, ўқитувчи бир кунлик сафарларни аниқлайди, ўқувчилар эса яқинда жойлашган туманларга сафар қилиш вариантларини таклиф этадилар. • Кичик гуруҳларда машқлар: ўқувчилар бир кунлик сафарларни қачон амалга оширганларини, уларнинг мақсадлари ва сафарлар билан боғлиқ харажатлар тўғрисида гапириб беришлари мумкин. 	
6	А4 Туристлар ва уларнинг эҳтиёжлари.		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги машғулотга якун ясаш ва ҳар хил турдаги мижозлар ҳамда уларнинг эҳтиёжлари мавзусини тақдим этиш. • Ўқитувчи: турли мижозларнинг эҳтиёжлари, хатто улар айнан бир хил туризм фаолиятини амалга ошираётган бўлсалар ҳам, жуда турли-туман бўлиши мумкинлигини тушунтиринг. • Синф мунозараси: ўқувчилар иложи борича кўпроқ ҳар хил турдаги мижозларни аниқлашлари лозим. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимот: саёҳат ва туризм даги мижозларнинг турларини муҳокама қилиш (ТС). Ўқитувчи туризм соҳасидаги ҳар хил турдаги мижозларга таъриф беради. Ҳар бир таърифдан сўнг, ҳар бир мижознинг эҳтиёжларини синф билан муҳокама қилинг ва уларни машқлар учун мўлжалланган варақларга ёзиб боринг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
7	<p>А4 Туристлар ва уларнинг эҳтиёжлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзига хос мижозларнинг эҳтиёжлари. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни такрорланг ва муайян ёки қўшимча эҳтиёжларга эга бўлган мижозлар тўғрисидаги мавзунини тақдим этинг. • Ўқитувчи: мижозларнинг барча гуруҳларида, хатто агар улар айнан бир хил туризм фаолиятини амалга ошираётган бўлсалар ҳам муайян эҳтиёжлар бўлиши мумкинлигини тушунтириш. • Синф мунозараси: ўқувчилар «мижознинг ўзига хос эҳтиёжлари» атамаси ўзларининг фикрларига кўра нимани англатишини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи тақдимот: мижозларнинг муайян эҳтиёжларини муҳокама қилинг (ТС). Ўқитувчи мижозларнинг ҳар хил турларини таърифлайди. • Синф мунозараси: ўқувчилар мижознинг муайян эҳтиёжларини қондиришнинг муҳимлигини муҳокама қиладилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Жуфликда бажариладиган машқлар / мустақил машқ / уйга вазифа: саёҳат ва туризм соҳасида мижозларнинг эҳтиёжлари қанчалик яхши қондирилмоқда? Туризм йўналишини танланг ва мижозларнинг муайян эҳтиёжлари қанчалик яхши қондирилаётганини баҳоланг. Ўқитувчи муҳокама ташкил этади; ўқувчиларга ҳар хил нуқтаи назарларни қамраб олиш имконини берадиган машқлар рўйхатини ишлаб чиқиш мумкин. Ўқитувчи муҳокаманинг якуни бўйича хулоса ясайди ва йўл қўйилган ҳар қандай хатоларни тўғрилайди. 	
8	мустақил топшириқларни мустаҳкамаш /семинар	RS	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқитувчи мустақил топшириқларнинг тарқатади ва барча ўқувчилар топшириқни тушунганларига ишонч ҳосил қилиш учун уларни кўриб чиқади. • Баҳолаш учун иш дафтаридаги 1 вазифасига нисбатан талабларни муҳокама қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Катта меҳмонхонага ташриф буюриш.	В	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи ўқувчиларга ташрифнинг мақсадини маълум қилади. Ўқитувчи ўқувчиларга маълумот тўплаш учун машқлар рўйхатини тақдим этади. Ташриф: озиқ-овқат ва ичимликлар соҳаси, ошхона, фронт-офис, меҳмонхонада яшаш, дам олиш учун жой, анжуманлар, банкетлар каби турли бўлимлар ишини кузатиш мумкин бўлиши учун танлаб олинган корхонага ташриф. Мазкур ташриф ўқувчиларга турли товар ва хизматлар билан танишиш, шунингдек йирик меҳмонхона ва унинг ходимлари қандай ишлаётганлари тўғрисида тасаввур олишларига имконият беради ҳамда унда карьера қуриш вариантлари ҳақида сўзлаб беради. Ўқитувчиларга маълумот тўплаш ёки маълумотлардан иборат варақларни тўплаш бўйича машқ ўтказиш ёхуд ўқувчилар томонидан меҳмонхонани кузатиш вақтида бажарилиши мумкин бўлган «маълумот излашга доир квест»ни амалга ошириш тавсия этилади. 	<ul style="list-style-type: none"> Машқлар рўйхати (МР). Модулар спецификацияси. Баҳолаш учун иш дафтари.
10	<p>В1 Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> мулкчилик шакли. товар ва хизматлари. 		<ul style="list-style-type: none"> Кириш: охирги дарсни такрорланг. Ўқитувчи мижозларнинг меҳмонхонада яшашларида кўрсатиладиган хизматлардан бошлаб, ўқувчиларнинг меҳмондўстлик соҳасидаги бизнеснинг ҳар хил турларини билиб олишларини сўзлаб беради. 	<ul style="list-style-type: none"> Тақдимот слайди (ТС). Машқлар рўйхати (МР).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил иш: меҳмондўстлик соҳасида мавжуд бўлган меҳмонхона хизматларининг ҳар хил турларини тақдим этиш учун фойдаланиладиган машқлардаги ўргимчак тўрисимон диаграмма. Ўқувчилар гуруҳга мисолларни тақдим этадилар. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот/муҳокама: меҳмонхона хизматларининг ҳар хил турларини таърифланг. Ўқувчилар таниш бўлган ва ҳали унчалик таниш бўлмаган бизнес турларини муҳокама қилинг. Кейин ҳар бир бизнес доирасида таклиф этиладиган товар ва хизматларни улар билан боғланг. • Ўқитувчи тақдимот: корхонанинг маълумотлари нимага асосланган эканини кўрсатинг. • Бизнеснинг кенг кўламини ва таклиф этиладиган турли товар ва хизматларни ўқувчилар томонидан баҳоланиши учун бизнеснинг барча турларига меню ва/ёки маркетингга оид материалларни тақдим этиш. • Мустақил иш: ўқувчилар турли яшаш жойлари/ҳудудлари ва уларнинг товар ҳамда хизматларининг тафсилотларини ёзиш орқали машқлар варағини (ўқитувчи томонидан тайёрланган бўлиши лозим) тўлдирадилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	<p>В1 Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мулкчилик шакли. • товар ва хизматлари. 		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: охириги дарсни такрорланг. Ўқитувчи бу сафар ўқувчиларнинг меҳмондўстлик соҳасидаги корхоналарнинг ҳар хил турларининг озиқ-овқат ва ичимликлар таъминотчилари ҳақида билиб олишларини сўзлаб беради. • Мустақил иш: меҳмондўстлик соҳасининг мазкур секторини ташкил этадиган озиқ-овқат ва ичимликлар таъминотчиларининг ҳар хил турларини тақдим этиш учун машқдаги ўргимчак тўрисимон диаграмма. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот/муҳокама: Жуфликда бажариладиган машқлар, компаниялар томонидан таклиф этиладиган озиқ-овқат ва ичимликларни, шунингдек товар ва хизматларни муҳокама қилинг. • Тақдимот / муҳокамаларда мазкур корхоналарга эгалик қилиш шаклини тақдим этинг. • Баъзи корхоналарнинг, масалан, отеллар, «ётоқ ва нонушта» кўринишидаги меҳмонхоналар қандай қилиб яшаш учун жойларни, озиқ-овқат ва ичимликларни, шунингдек хизматларни таклиф этишларини муҳокама қилинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил иш: ўқувчилар мазкур яшаш жойининг ҳар хил турдаги озиқ-овқат ва ичимликлари, шунингдек уларнинг товар ҳамда хизматларининг тафсилотларини ёзиш орқали машқлар варағини (ўқитувчи томонидан тайёрланган бўлиши лозим) тўлдирадilar. Ўқитувчи спецификацияда санаб ўтилган меҳмондўстлик соҳасининг барча корхоналари ишчи жадвалга киритилганига ишонч ҳосил қилишлари лозим. 	
12	Катта кўргазма марказига, масалан, UZ Expo Center / катта анжуманлар залига ташриф.	В	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи ўқувчиларга сафарнинг мақсади ҳақида маълум қилиши лозим. • Ўқитувчи ўқувчиларга маълумот тўплаш учун варақлар тақдим этиши ва улардан қандай фойдаланишни тушунтириши керак. • Қуйидаги фаолиятлар билан шуғулланадиган ташкилот билан танишиш ва муҳокама қилиш учун кўргазма марказига ёки катта анжуманлар залига ташриф: <ul style="list-style-type: none"> ○ Тадбирлар тузиш. ○ Ҳар хил турдаги тадбирларни тузиш. ○ Биргаликдаги товар ва хизматлар, масалан озиқ-овқат ҳамда ичимликлар, жойлаштириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Машқлар рўйхати (МР). • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	<p>В2 Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> амалиёт бўлимлари. 		<ul style="list-style-type: none"> Кириш: аввалги дарсни такрорланг. Ўқитувчи йирик меҳмонхона ва компанияга ташриф вақтида бугунги дарс учун ўқувчилар томонидан тўпланган маълумотдан қандай фойдаланишни тушунтиради. Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот/муҳокама: Ўқитувчи, меҳмонларга турли товар ва хизматларни сотиш орқали бизнесга фойда келтирадиган, меҳмонхоналардаги ҳар хил бўлимларни кўриб чиқади. Кичик гуруҳларда машқлар: синфни тўртта гуруҳга ажратинг. Ҳар бир гуруҳ қуйидаги амалиёт бўлимларининг таърифларидан иборат бўлган плакатларни яратишлари лозим бўлади: <ul style="list-style-type: none"> озик-овқат ва ичимликлар. озик-овқат тайёрлаш ва ишлаб чиқариш. фронт-офис. меҳмонхонада яшаш. Плакатларда ҳар бир бўлимнинг асосий вазифа ва мажбуриятлари, турли товар ва хизматлар, шунингдек ходимлар кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқувчилар ўз плакатларини синфга тақдим этишлари керак. Ўқитувчи уни тўғрилайди ва етишмаётган маълумотни кўшади. 	<ul style="list-style-type: none"> Тақдимот слайди (ТС). Машқлар рўйхати (МР). Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. Модулар спецификацияси. Баҳолаш учун иш дафтари. Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	<p>B2 Меҳмонхона соҳасидаги ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> кўмаклашувчи бўлимлар. 	GS	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: аввалги дарсни такрорланг. Ўқитувчи ўқувчиларнинг меҳмонхонадаги оператив соҳаларни қўллаб-қувватлайдиган бўлимлар тўғрисида билиб олишларини тушунтиради. Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот/муҳокама: меҳмонхонадаги турли кўмаклашувчи бўлимлар таърифланиши ва тақдим этилиши лозим. Машқлар ўқувчиларга маълумот тўплаш имкониятини берадиган тарзда ишлаб чиқилиши керак. Таклиф этилган спикер: йирик меҳмонхонанинг менежери ҳар бир кўмаклашувчи бўлимнинг таърифини тасдиқлаши ва мазкур бўлимлар ҳамда амалиёт бўлимларининг ҳамкорликдаги ишининг муҳимлигини тушунтириши лозим. Таклиф этилган спикер «меҳмонхона бошқарувчиси ҳаётдан бир кун»ни гапириб бериши керак. Ўқувчилар таклиф этилган спикерга саволларни беришлари лозим. Ўқитувчи таклиф этилган спикер тақдим этган маълумотларни тўплайди. 	<ul style="list-style-type: none"> Тақдимот слайди (ТС). Машқлар рўйхати (МР). Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. Модулар спецификацияси. Баҳолаш учун иш дафтари. Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. Проектор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	В3 Меҳмондўстлик соҳасида ташкилотларга таъсир этувчи омиллар.		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни такрорланг. Ўқувчиларнинг туризм соҳасидаги меҳмондўстлик корхонасига таъсир этадиган омиллар тўғрисида билиб олишларини тушунтиради. • Ўқитувчининг тақдимоти ва синф мунозараси: меҳмондўстлик соҳасидаги корхонага таъсир этадиган омиллар (1 қисм). 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
16	В3 Меҳмондўстлик соҳасида ташкилотларга таъсир этувчи омиллар.		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни такрорланг. Ўқувчиларнинг саёҳат ва туризм иқтисодиётидаги ташкилотга таъсир этадиган омиллар тўғрисида билиб олишларини тушунтиради. • Ўқитувчининг тақдимоти ва синф мунозараси: меҳмондўстлик соҳасидаги корхонага таъсир этадиган омиллар (2 қисм). 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
				<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
17	Мустаҳкамлаш Баҳолаш/семинар		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи дарснинг мақсади аввалги дарсларни мустаҳкамлаш ва текшириш эканини тушунтиради. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқитувчи мустақил топшириқни тарқатади ва ўқувчиларнинг тушунаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун уни синф билан бирга кўриб чиқади. • Баҳолаш учун иш дафтари 2 топшириғига нисбатан талабларнинг муҳокамаси. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
18	С1 Меҳмондўстлик соҳасидаги бандлик.		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни такрорланг. Ўқитувчи ўқувчиларнинг меҳмондўстлик индустриясидаги турли иш 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<p>вазифалари, ривожланиш йўллари ва ўқиш имкониятларини билиб олишларини гапириб беради.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасининг турли соҳаларидаги иш жойлари, шунингдек ўқиш йўллари ва усулларини тадқиқ қиладилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар маълумотларни бутун гуруҳга сўзлаб берадилар. • Ўқитувчи тўғрилайди ва етишмаётган маълумотни қўшади. • Мустақил иш: таклиф этилган спикернинг кейинги дарсдаги ташрифига тайёргарлик – ўқувчилар ўзларини қизиқтирадиган лавозимни танлаб оладилар ва таклиф этилган спикер учун учтадан савол тайёрлайдилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
19	C1 Меҳмондўстлик соҳасидаги бандлик.	GS	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер: иш вазифалари, кўникмалар, имкониятлар, ўқиш ва ривожланишларни муҳокама қилинг. • Саволлар – жавоблар сессияси: ўқувчилар таклиф этилган спикерга саволлар берадилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Такдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
				<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
20	Мустаҳкамлаш Баҳолаш/семинар		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқитувчи мустақил топшириқни тарқатади ва ўқувчиларнинг тушунаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун уни синф билан бирга кўриб чиқади. • Баҳолаш учун иш дафтарида 3 топшириқига нисбатан талабларнинг муҳокамаси. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
Модул	Модул 1: Меҳмондўстликка кириш
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни дарс билан таништириш, уларга нимани ўтилиши ва баҳолаш усуллари ҳақида сўзлаб бериш. • Ўқувчиларни Ўзбекистондаги саёҳат ва туризм соҳаси билан таништириш ва нима учун мазкур соҳасининг миллий даражада муҳим эканини билиб олиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Танишиш учун машқлар. • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модулар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** Тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчининг кириш қисми: модулга кириш, дарсда ниманинг ўтилиши ва баҳолаш усуллари тўғрисида сўзлаб бериш. • Дарс мавзусига кириш, ўқитувчи ўқувчиларнинг саёҳат ва туризм соҳаси ҳақида билиб олишларини тушунтиради. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: суҳбатни бошлаш ва бир-бирлари билан танишиш учун машқ.
Асосий машқлар (130 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар учун муҳокама: саёҳат ва туризм соҳаси нима? Синф саёҳат ва туризм соҳаси тўғрисида нимани ўйлашини ва унинг давлат учун қанчалик муҳим эканини муҳокама қилади.. • Ўқитувчи саёҳат ва туризм соҳасининг иқтисодий ҳиссасини аниқлашда фойдаланиладиган таянч атамаларни тушунтириб бериши лозим (ТС). Саёҳат ва туризм соҳасини таърифланг ҳамда мазкур соҳадан келадиган даромаднинг қандай ўлчанишини тушунтиринг. Саёҳат ва туризм соҳасининг, жумладан ЯИМ, бевосита ва билвосита бандликнинг қийматини баҳолаш учун фойдаланиладиган таянч атамаларни аниқланг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Туризм тўғрисидаги фактлар ва рақамлар (МР) ўқувчилар асосий жиҳатларни аниқлашлари ва синф билан қайта алоқа қилишлари мақсадида «ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИР 2018 ЎЗБЕКИСТОН» ҳисоботини тадқиқ қила олишлари учун машқлар варағини ишлаб чиқинг. • Ўқитувчи тақдимот: Ўзбекистон – Саёҳат ва туризм тўғрисидаги фактлар ва рақамлар (ТС) Жуфликда бажариладиган машқларнинг қисқа шарҳи. Иқтисодий таъсир тўғрисидаги ҳисоботга асосланган тақдимот слайдлари – иқтисодий қиймат, ишга жойлашиш тўғрисидаги фактлар ва рақамлар ҳамда ўқитувчининг фикрига кўра ўқувчиларга тушунарли бўладиган ҳар қандай бошқа фактлар.
Якуний машқлар (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Хулосалар: ўқитувчи дарсда аниқланган ўқитишнинг асосий мақсадларини мустаҳкамлайди. • Саволлар – жавоблар сессияси: дарсга хулоса яшаш ва ўрганилганларни текшириш.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
Модул	Модул 1: Меҳмондўстликка кириш
Дарс рақами	2

Дарс мақсади	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни Ўзбекистондаги саёҳат ва туризм соҳаси билан таништириш ҳамда нима учун мазкур соҳа миллий даражада муҳим эканини билиб олиш.
---------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Тақдимот слайди (ТС). • Машқлар рўйхати (МР). • Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар. • Модуллар спецификацияси. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Доска, ручка, флипчарт учун қоғоз. • Проектор.
Калитлар: МР: Машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Кириш: ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистондаги саёҳат ва туризм соҳаси ва нима учун мазкур соҳа маҳаллий даражада муҳим эканини тушунтиради.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар саёҳат ва туризм нинг маҳаллий соҳасини ўрганадилар. Ўқувчиларга қуйидагиларни аниқлаш имкониятини берадиган машқлар варағини ишлаб чиқиш (МР): <ul style="list-style-type: none"> ○ маҳаллий диққатга сазовор / қизиқарли жойлар. ○ туроператорлар. ○ транспорт турлари / уларга бўлган имконият. ○ отеллар, меҳмонхонала ва меҳмонлар учун уйлар. ○ ресторанлар / озиқ-овқат ва ичимликларга мўлжалланган бошқа муассасалар. ● Ўқувчиларнинг қайта алоқалари – хулосаларингизни бутун синф билан ўртоқлашинг. ● Ўқитувчи тақдимот: саёҳат ва туризм соҳасининг маҳаллий афзалликлари (ТС). Ўқувчилар хулосаларининг қисқа шарҳи. Саёҳат ва туризм соҳасининг маҳаллий иқтисодийётга қандай фойда келтириши тўғрисидаги мисолларга асосланган тақдимот слайдлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ инфратузилма лойиҳалари – Тошкент-Самарқанд темир йўли, тезкор темир йўлларни кенгайтириш, Чимён тоғ-курорт ҳудудини ривожлантириш. ○ саёҳат ва туризм соҳаси билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган янги маҳаллий корхоналарга мисоллар, масалан, уйларда яшаш, экскурсия етакчилари, меҳмонхоналар, ресторанлар, такси/ҳайдовчи хизматлари (ўқувчиларга маълумот бериш учун ўқитувчи жой ҳақидаги билимидан фойдалади). ○ туризм фаолиятининг маҳаллий даражадаги кўлами ва имкониятлари.
